

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
МУХАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ

Ҳимояга
Кафедра мудири

20_____й « _____ » _____

ҚУВАСОЙ ШАҲАР ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ
БОҒЛАМАСИДА ЛИНИЯ – КАБЕЛ ХЎЖАЛИГИ ВОСИТАЛАРИ
ТЕХНИК ПАСПОРТИЗАЦИЯНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

мавзусида

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Битирувчи _____
(имзо)

Содиқов Б
(фамилияси)

Рахбар _____
(имзо)

Нормирзаев М
(фамилияси)

Тақризчи _____
(имзо)

Мамадалиева Л.
(фамилияси)

Фарғона 2018 йил

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I.БОБ Телекоммуникация тармоқлари ҳақида умумий тушунчалар	
1.1 Алоқа тармоқлари ҳақида маълумотлар.....	6
1.2 Глобал, магистрал ва ҳудудий тармоқлар.....	9
1.3 Шаҳар телефон тармоқларининг тузилиши.....	13
1.4 Қишлоқ телефон тармоқлари ва ўтказгич бўйича товуш эшиттириш.....	16
II.БОБ Линия - кабел алоқа иншоатларининг қурилиш монтаж ишлари.	
2.1. Тайёргарлик ва назоратловчи ишлар.....	18
2.2. Линия-кабел иншоатларини қурилиш ишларида механизациянинг қўлланилиши.....	23
2.3. Қурилиш жараёнида бажариладиган электр ўлчов ишлари.....	24
III.БОБ Қувасой шаҳар телекоммуникация боғламасида линия – кабел хўжалиги воситалари техник паспортизацияни автоматлаштириш	
3.1Кабель канализациялари ва зирх билан копланган кабелларни ётказиш ижро кўча чизмаси.....	26
3.2Кабель канализациясининг паспорта (ТФ-3/1 шакл) (N илова).....	28
3.3Кудук паспортн (ТФ-3/5а шакл (Q илова)).....	34
3.4Таксимлаш ер ости кабелларининг паспорти (ТФ-3/7 шакл) (R Плова).41	
3.5Хаво устунга онд линия паспорти (ТФ-3/14 шакл) (Т илова).....	49
3.6Оптик-толали алоқа линиялари (ОТАЛ)ни паспортлаштириш.....	58
4.БОБ Мехнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги	69
ХУЛОСА	81
Фойдаланилган адабиётлар	82
Иловалар	83

КИРИШ

Мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларига киритилган компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация, маълумотларни узатиш тармоқлари, интернет хизматларидан фойдаланиш ривожланмоқда ва модернизациялашмоқда. Жамиятимизнинг барча сохаларига кундалик ҳаётимизга замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш истиқболдаги мақсадларимизга эришишни таъминлайди. Ҳар бир соҳа фаолиятида интернет тармоғидан фойдаланиш иш унумдорлигини оширмоқда. Айнан тармоқдан фойдаланган ҳолда тезкор маълумот алмашиш вақтдан ютиш имконини беради. Хусусан, юртимизда Электрон ҳукумат тизими шакллантирилиши ва унинг замирида давлат бошқарув органлари ҳамда аҳоли ўртасидаги ўзаро алоқанинг мустаҳкамланишини ташкил этиш тармоқдан фойдаланган ҳолда амалга ошади. Тармоқдан самарали фойдаланиш демократик ахборотлашган жамиятни шакллантиришни таъминлайди. Бундай жамиятда, ахборот алмашинув тезлиги юксалади, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш бўйича тезкор натижага эга бўлинади.

Хозирги кунда маълумотлари ўта муҳим ва махфий ҳамда қимматбаҳо ҳисобланадиган давлат ташкилотлари, органлар, банк тизими, таълим муассасалари, завод ва фабрикалар бутун Республика бўйлаб электрон ахборот алмашиш усулидан фойдаланмоқда. Бунинг учун интернет каби очиқ тармоқдан фойдаланиш талаб этилади. Лекин очиқ тармоқдан тўғридан-тўғри фойдаланиш каналларни бандлиги ва ахборот хавфсизлиги каби мавжуд муаммоларга дуч келади. Каналларни бандлиги ахборот оқимини пасайтиради. Ахборот хавфсизлигининг заифлиги маълумотларнинг рухсатсиз чиқиб кетишига ёки асслигини йўқолишига ҳамда ахборотнинг ўзи йўқолишига олиб келади. Бундай мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун химояланган тармоқларни қуришга эҳтиёж туғилмоқда. Ахборот-коммуникация тизимларига бўладиган таҳдидлар, рухсатсиз тизимга кириш

ҳолатлари турли хил йўллар билан амалга оширилишига жавобан хавфсизликни таъминлаш турли хил усуллар ва воситалар ёрдамида амалга оширилмоқда.

Агар бу масалага сиёсий томондан ёндошадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-614 сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида ахборотни криптографик муҳофаза қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида қонун ишлаб чиқилган.

Ушбу қонун Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида» ва «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, шунингдек ахборотни муҳофаза қилишнинг криптографик воситалари ҳамда криптография тизимларидан фойдаланган ҳолда махфий ёки давлат сирларидан иборат бўлган маълумотлар баён этилган ахборотни муҳофаза қилиш фаолиятини тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Бугунги дунёда барча эътибор ахборот хавфсизлигига қаратилмоқда, кўплаб инсонлар ахборот хавфсизлигининг муҳимлигини тушуниб етмоқдалар. Врач, бизнесмен, бухгалтер ёки ҳуқуқшунос – уларнинг барчасида ўзининг очишни истамайдиган шахсий сирлари бор. Устига-устак, агар гап тадбиркорлик ҳақида кетса, ҳар бир компания корпоратив сирларини пухталиқ билан ҳимоя қилади, ишлаб чиқариш ва бошқа махфий материалларини беркитишни афзал кўради. Баъзан бу ахборотни ишончли шахсларга тақдим этиш зарурати туғилади, фақат шундай кишиларгаки, “хўжайин” томонидан махфий ахборотни олишга руҳсат берилган бўлса. Сарфланган маблағларни шамолга совурилмаслиги ва энг муҳими, муҳофаза қилиниш талаб этилган ахборотни йўқолмаслиги учун ахборот хавфсизлиги масаласининг ечимига тўғри ёндашиш, хавфсизлик бўйича маслаҳатчиларни, ҳимоя тизимини етказиб берувчиларни ўз соҳасини билимдонларини танлаш жуда муҳим. Нарх/сифат муносабати деган шундай тушунча бор, яъни кишилар (ташкilotлар) тушунишлари керакки, ахборот қандай қадр-қимматга эга бўлмасин, уни ҳимоя қилиш керак. Ҳорижий компаниялар

Ўзининг 20% гача маблағини ўз тадбиркорлик фаолиятидаги ахборот хавфсизлигига сарфлашади.

Саноат жосуслиги бугунги даврда жуда кенг тарқалмоқда ва ундан муҳофазаланиш учун корхона ва фирма барча оқилона чораларни ишга солиши керак, негаки, махфий ахборот билан бегона шахсларни ноқонуний таништириш ҳоллари оғир оқибатларга олиб келиши барча ривожланган жамиятларга анчадан бери маълум.


Шу ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда ушбу битирув малакавий ишини ахборот хавфсизлигининг анча мураккаб бўлган соҳалари – акустик тизимлардаги информацион хавфсизликнинг бевосита «туташган нуқтаси» дейиш мумкин. Маълумки, айти вақтда криптографик ҳимоя тизимлари соҳасида улкан натижаларга эришилмоқда. Деяли ҳар куни ўзининг янги имкониятларига эга бўлган дастурий восита дунёга келмоқда. Бунинг натижасида ҳатто ҳисоблаш тармоқларига асосланган электрон ҳокимият барпо этишни таъминлашга қодир ҳимоя тизимлари ташкил топди. Аммо шунинг билан бирга унутмаслик лозимки, махфий ахборот доимо электрон ёки ҳужжат кўринишида алмашинавермайди. Шундай вазиятлар бўладики, ахборот тарқалувчи муҳит бевосита акустик канал бўлиши мумкин. Бу турдаги ахборотларни муҳофаза қилиш эса етарлича муаммо туғдиради. Ўз навбатида ҳимоялаш чора-тадбирлари бир неча турларга (ташкилий - ҳуқуқий ва техникавий) бўлинади. Мазкур битирув малакавий ишида асосий эътибор техникавий чора-тадбирлар ва уларнинг физик асосларига қаратилади.

1-боб. Телекоммуникация тармоқлари ҳақида умумий тушунчалар

1.1 Алоқа тармоқлари ҳақида маълумотлар

Алоқа тармоқлари ўз ичига қуйидагиларни олади. (1.1-расм).

1. Ахборотни узатиш тизими (линия ва аппаратура);
2. Коммутация тизими (ускунаси);
3. Охирлаш ускунаси.




1.1-расм. Алоқа тармоқлари. ОУ - охирги ускуна; АУТ - ахборотни узатиш тизими; КТ - коммутация тизими.

Капитал харажатлар бўйича энг катта сарф–харажатлар линия тармоқлари ва ахборотларни узатиш аппаратуралари эгаллайди, шунинг учун тармоқлар тузилишини танлашда оптимал вариантни танлаш асосий роллардан биридир.

Тармоқлар тугунлардан (занжирлар, каналлар, коммуникация манзилларидан) ва бу тугунларни бир бири билан боғлаш учун қўлланадиган алоқа линияларидан ташкил топади.

Одатда алоқа тармоқларини да уни иқтисодли пухталиқ билан қуриб яратишга интилинади. Тармоқ пухталиги одатда тармоқ тури, томонларга тарқалиши ва тарқатилган участкаларда турли хил алоқа линияларни қўллаш ва қуриш билан эришилади. Бундай линияларда керакли алоқа каналлари айланма ва захира йўллари билан ташкил қилинади. Иложи борича ҳар бир тугун бошқа тугунлар билан икки-учта бир бирига боғлиқ бўлмаган йўллар билан боғланиши керак. Бунда тармоқлар қурилиши иложи борича қисқа вақтда бажарилиши лозим. Тармоқ тузилиши бир неча вариантлардаги таркибий тузилишга эгадир.



1.2-расм. Алоқа тармоқларининг тузилиш вариантлари: а)тўғридан-тўғри боғланишли б) тугун боғланишли; в) радиал боғланишли.


Тўғридан-тўғри боғланган «хар бири билан ёки тўлиқ» бундай ҳолатда хар қандай тугун бошқа тугун билан тўғридан-тўғри боғланади. (1.2а-расм);

Тугунлаштирилган - ҳолатда бир неча манзилгоҳлар тугунларга гурухланиб, улар бир бири билан боғланади (1.2б-расм)

Радиал (юлдузсимон) - да тугун битта марказда бўлиб, у линиялар билан радиус бўйича бошқа манзилгоҳлар билан боғланади (1.2в-расм)

Келтирилган алоқа тармоқларининг тузилиш вариантларидан шуни кўриш мумкинки, хар бир манзилгоҳларни тўғридан - тўғри боғланиш варианты ўта мустаҳкам ҳисобланади, аммо техник-иқтисод томонидан ўзини оқламайди, чунки унда жуда ҳам кўп боғловчи линиялар мавжуд. Тугунли боғланиш варианты ҳам иқтисод томонидан ўзини оқламайди. Бу вариантлардан энг ишончлиси радиал варианты бўлади, аммо унда ҳеч қандай захира йўллари йўқ шунинг учун у алоқани узлуксиз ишлашини таъминлай олмайди.

Бу вариантлардан энг яхши натижа радиал ва тугунли тизимларни бирлашган варианты ҳисобланади. Бундай тизимлар ёрдамида тармоқлаштирувчи, узлуксиз тизим яратилиб, у ўз навбатида иқтисодли алоқа тармоғини яратишга имкон беради.(1.3а-расм)



1.3-расм. Алоқа тармоқларини таркибий тузилиши: а) радиал тугунлашган; б) алоқа тўр тузилиши; в) панжарали тузилиш.

Бундай тизимда бир хил таркибли алоқа тугунлари алоқа линиялари ёрдамида бир бири билан боғланишидан ташқари ўзидан бир поғона кичик бўлган алоқа тугунлари билан ҳам боғланган, бундан ташқари бу тугунлар айланма йўллар билан ҳам боғлангандир.

Ҳар доим алоқа тўғри ҳосил қилишда, иложи борича ҳар бир алоқа тугуни ўзига яқин бўлган тугун билан боғланиши керак, бу ҳолатда айланма ва захира йўллар ҳосил бўлади, ва улар ёрдамида тугунларга чиқиш учун икки учтата бир-бирига боғлиқ бўлмаган йўллар билан боғланади (1.3б - расм).

Тўрсимон ёки панжарали алоқа тармоқларининг турли хил кўринишларидан бири панжарали тўр тузилишидир (1.3в-расм) бундай тўр тузилишлари ёрдамида яратилган тармоқлар жуда ҳам мустаҳкамдир, лекин бу тармоқларни яратиш учун жуда ҳам катта ҳаражатлар зарурдир.

1.2. Глобал, магистрал ва ҳудудий тармоқлар.


Бутун ер курраси бўйлаб глобал тармоқ мавжуд бўлиб, бу тармоқ ер шарида жойлашган ҳамма қитъалардаги давлатлар бошқа қитъалардаги давлатлар билан боғлангандир. (1.4-расм) Давлатлар ҳам бир-бири билан боғланган бўлиб, бундай тармоқ давлатлараро магистрал тармоқ деб юритилади.



1.4-расм. Глобал тармоқ кўриниши.


Битта давлат ичида тузилган тармоқ шаҳарлараро тармоқ деб аталади. (1.5-расм).

Бизнинг мамлакатимизда алоқа тармоқлари магистрал (1.6-расм) ва ҳудудий тармоқлардан (1.7-расм) ташкил топади. Ҳудудий алоқа тармоқлари мамлакатимиз вилоятлари ичида ташкил этилади, ҳудудий алоқа тармоқлари ўз ичига ҳудуд ичи тармоқлари ва маҳаллий тармоқларни қамраб олади.




1.5-расм. Шаҳарлараро ҳудудий ва маҳаллий тармоқлар тузилиши.

Маҳаллий тармоқлар ўз ичига қишлоқ телефон тармоқларини (район маркази, ширкат хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги манзилгохлари билан) ва шаҳар телефон тармоқларини қамраб олади. Бу ҳолда абонент ҳудудлари бир хил етти рақамлар билан рақамланади ва бу ҳудудда 10^7 тагача телефонлар бўлиши мумкин.



1.6-расм. Магистрал ёки шаҳарлараро тармоқ тузилиши.



1.7-расм. Ҳудуд ичи тармоқлари тузилиши: \odot ҳудудий тугун; \triangle - шаҳар телефон телефон тармоғи; \circ - район тугуни; \square - ширкат хўжалиги.


Магистрал тармоқлар давлат пойтахтини ҳудуд марказлари билан ва ҳудуд марказларини бир-бири билан боғлайди. Магистрал тармоқлар бошқа давлатлар билан ҳам боғланади. Бизнинг давлатимизда магистрал тармоқ асосан ТОЕ (Транс-Осиё–Европа) оптик толали магистрал билан боғлангандир. Ҳудудий ичи тармоқлари Республикамиз вилоятлари пойтахтларини бир-бири билан боғлашдан ташқари, яна магистрал тармоқ

билан ҳам улангандир. Давлатимиз алоқа тармоқлари ўз навбатида бирламчи ва иккиламчи тармоқларга бўлинади. (1.8-расм) Бирламчи тармоқ ҳамма алоқа турлари ва каналларнинг мажмуидир. Бирламчи тармоқ ҳамма каналлар фойдаланувчилари учун бир хил бўлиб, иккиламчи тармоқ учун базани ташкил этади.(1.8 - расм.)



1.8-расм. Бирламчи ва иккиламчи алоқа тармоқлари.

Иккиламчи тармоқлар ишлатилиш жойига қараб турли хил бўлган каналлардан (товушли эшиттириш, телефон алоқаси, телеграф алоқаси, факсимил алоқа, газеталарни узатиш, телевизион эшиттириш, видеотелефон алоқаси, маълумотларни узатишлардан ташкил топади. Иккиламчи тармоқлар ўз ичига коммутацион тугунлар, охираш манзилгоҳлари ва уларни боғлайдиган каналлардан ташкил топади(1.9-расм)



1.9-расм. Иккиламчи алоқа тармоқлари.


1-бирламчи тармоқларнинг узатиш тизимлари; 2-иккиламчи тармоқларнинг коммутация тугунлари; 3-иккиламчи тармоқларнинг охираш манзилгоҳлари; 4 -абонент каналлари ёки абонент линиялари; 5-бирламчи тармоқларнинг чегарасининг кўрсатувчи нуқталар.

1.3. Шаҳар телефон тармоқларининг тузилиши

Умуман олганда шаҳар телефон тармоқлари абонент ва боғловчи линиялардан ташкил топади. Йирик шаҳарларда (одатда шаҳар телефон тармоқлари сифими 10000 рақамдан ошиқ бўлганда) линия тармоқларини қуриш учун харажатларни камайтириш ва уларни ишлатиш самарасини ошириш учун, бир неча район автоматик телефон станциялари (РАТС) қурилади. Бундай тармоқ районлаштирилган тармоқ деб юритилади. Бунда телефон аппаратлар район телефон станцияси билан боғловчи линиялар абонент линияси деб юритилади, станцияларни бир-бири билан боғловчи линиялар эса боғловчи линиялар деб аталади. (1.10-расм)



1.10-расм. Абонент ва боғловчи линиялар тузилиши.




1.11-расм. Шаҳар телефон тармоқларидаги боғловчи линияларнинг тузилиши: а) хар-бири-хар бири усули; б) радиал усул; в) хабарларни тугунларга кириш усули; г) хабарларни тугунларга кириш ва чиқиш усули.

Биринчи усул одатда районлаштирилган тармоқларда қўлланади ва бундай тармоқ сиғими 80000 рақамгача бориши мумкин. Радиал усул одатда район автоматик телефон станцияларни подстанция ёки корхона автоматик телефон станциялар оралиғида алоқани ташкил этиш учун қўлланади. Катта тармоқларда тугунлаштирилган телефон станцияларнинг учинчи ва тўртинчи усули қўлланади. Бундан ташқари районлаштирилган АТСлар абонентлари шаҳарлараро телефон станцияга тўғридан-тўғри ёки тугунлаштирилган станциялар орқали боғланади.

Бугунги кунда боғловчи линиялар вазифасини оптик кабеллар бажаргани учун —ҳалқал топологияси қўлланади.

Абонент тармоқлари турли хил усуллар асосида бўлиши мумкин (Аммо улар икки хил тизим асосида бўлади, булар шкафли ва шкафсиз усул. Бизнинг давлатимизда абонент линиялари шкафли усул асосида тузилгандир.

Линия тармоқларининг шкафли тизим бўйича тузилиш схемаси 1.12-расмда келтирилган.



2.12-расм. Шаҳар телефон тармоқларидаги абонент линия тармоқларини тузилиши.

Агар 1.12-расмга разм соладиган бўлсак, унда шаҳарнинг маълум қисми кўрсатилган бўлиб, шаҳар мавзеидаги аҳолига тақсимлаш участкасидаги

телефон абонентларини жойланиши кўрсатилиб, унинг ичидаги рақам биноларга киритилган кабел жуфтликларидир. Бундан шуни кўриш мумкинки бинога киритилган кабел жуфтликлари сони телефон аппаратларига эга бўлган абонентлар сонидан кўпроқдир, бундай усул бўйича тақсимлаш участкада эксплуатация захираси борлигини кўрсатади.

Одатда абонентлар телефон станцияга уланишда тақсимлагич қутичалар (ТҚ) ва тақсимлагич шкафлар (ТШ) орқали уланади. Бундай ҳолда телефон станциядан турли йўналишларга катта сиғимдаги кабелларга бўлиниб тақсимлагич шкафларига киритилади. Бундай кабеллар ва уларга таълуқли линия ускуналари жамламаси магистрал тармоқ деб юритилади. Тақсимлагич шкафлардан кичик сиғимдаги (100 жуфтликдаги кичик) кабеллар чиқиб, улар 10 жуфтлик бўлган охирига ускуналарига яъни тақсимлагич қутичаларга киритилади. Бу участкадаги кабеллар ва линияга таълуқли ускуналар тақсимлагич тармоқ деб аталади. Тақсимлагич қутичадан телефон аппарати уланадиган разеткадан бир жуфтлик ўтказгич сим участкаси абонент ўтказгичи участкаси деб юритилади(1.12-расм).

Линия кабел тармоқларида тақсимлагич шкафларини қўллашда кабелларни текширув назорат жараёни бажарилади ва магистрал кабел жуфтликларини тақсимлагич кабел жуфтликларига турли хил улаш усулларида улаш мумкин, бу эса тармоқнинг техник эксплуатациясини (хизматини) оширади, яъни янги абонентларга янги кабел тортмасдан шу кабелларнинг жуфтликларидан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари тақсимлагич участкаларидан фойдаланишда магистрал кабелларни иқтисод қилиш мумкин, чунки тақсимлагич қутичаларга ўн жуфтлик кабеллар билан уланганда, тақсимлагич қутичаларда абонентлар сони камроқ булади. Агар телефон станцияга тақсимлагич қутичалардан чиққан кабелларни тўғридан тўғри улайдиган бўлсак, у ҳолда катта сиғимдаги захира жуфтликларидан фойдаланиш имкони бўлмайди, ва бу жуфтликлар ишлатилмай қолади. Агар бу

тармоқда тақсимлагич шкафлари ишлатадиган бўлсак, у холда кабелларнинг эксплуатацион захиралардан фойдаланиш мумкин.

1.4. Қишлоқ телефон тармоқлари ва ўтказгич бўйича товуш эшиттириш


Одатдаги туман ҳудудида жойлашган қишлоқ жойларда алоқа каналлари ва линия тармоқлари асосида ҳудуд ичи тасарруфида қишлоқ телефон тармоқлари ташкил қилинади. Бунда тақсимлагич қутичаларини ҳам бир нечтасини паралел равишда улаш мумкин. Бундай ҳолда тармоқ сифати ошади шаҳар телефон тармоқларини тузишда комбинацияланган (аралаш) тизим қўлланади, бундай усулни қўллаш тармоқ тан-нархини камайтиришга олиб келади. Қишлоқ жойларда электр алоқа асосида қуйидаги кўринишдаги тармоқлар ҳосил қилинади: Умумий фойдаланувчи (телефон алоқаси, факсимал алоқаси, товуш эшиттириш); Ички ишлаб чиқарувчи (ширкатлар ичидаги алоқа, корхоналар ичидаги алоқа); Корхоналар алоқаси (турли хил корхоналар ичида алоқа); қишлоқ тармоқларининг жойланишига қараб қишлоқ телефон станциялари қуйидагиларга бўлинади:

Марказий станция (МС) - район марказида жойлашган бўлиб, у ўз навбатида район станцияси вазифасини бажаради;

Тугунлаштирилган станция (ТС) - қишлоқ районнинг турли аҳоли яшайдиган манзилгоҳларида жойлаштириб, бу станция охириги станиялар билан боғловчи линиялар ёки рдамида боғланади;

Охириги станцияси (ОС) - қишлоқ районларнинг аҳоли яшайдиган манзилгоҳларида жойлаштирилади.

ишлоқ телефон тармоқлари тузилишига қараб радиал-тугунлашган тизим бўйича яратилади. Қишлоқ телефон тармоқларининг намунавий кўриниши 1.13-расмда келтирилган.



1.13-расм. Қишлоқ телефон алоқа тармоқларининг тузилиши.

Бу расмга разм соладиган бўлсак, охириги станциялар тўғридан-тўғри тугунлашган станцияга уланган. 7 ва 8 охириги станциялари оралиғида бир-бирига нисбатан катта тортилиш бўлгани учун булар орасида рокед алоқа линияси тузилган.

2 - боб. Линия - кабел алоқа иншоатларининг қурилиш монтаж ишлари.

2.1. Тайёргарлик ва назоратловчи ишлар.

Линия иншоатларининг қурилиш ишларига таёргарлик-қидирув ишлари асосидаги лойиха корхонаси томонидан олиб борилган хужжатларни ўрганишдан бошланади, бундай хужжатлар қидирув ишлари асосидаги хужжатлардан иборат.

Техник – ишчи лойиха таркибига қуйидагилар киради:

- трасса танлови, ётқизилувчи кабел тури, автомобил темир йўл ва дарёлардан кесишув усуллари, кабелларнинг монтажи бўйича бино ёки иншоот ичига киритилувчи ускуналар, кабелларни коррозиядан, яшин уришидан, электромагнит таъсирлардан ҳимоялаш усуллари кабелларни ўзгармас ҳаво босим остига қўйиш каби ишларни ташкил этиш ва уларни олиб бориш ҳамда механизация ишларининг ҳажми каби масалалар билан боғлиқ бўлган техник ечимлар ҳақида ёзма маълумотлар келтирилган бўлиши керак:

- иш ҳажми қурилиши учун ва керак бўладиган материаллар қайдномаси;

- сметалар;

- маълум бир масштабда ва кўринишда бажарилган ишчи чизмалар.

Ишчи чизмаларда ёки унга таълуқли бўлган иловалар иш таркиби билан қизиқтирувчи ташкилотлар билан келишилган ва ишлаб чиқарилган техник лойиха ечимлари кўринишда бўлиши керак.

Лойиха хужжатларини қурилиш ишлари бошлангунга қадар бу ишларни ўрганаётган административ-техник шахслар қурилиш ишлари олиб борилувчи жойнинг ўзини мукамал равишда ўрганиб чиқадилар.

Бундай ўзгариш жараёнида асосий эътибор участканинг мураккаб жойларига қаратилади,булар: темир йўл, трамвай йўллари ва автомобил йўллари билан ва бошқа иншоат қувурлар билан кесишган жойга, кабелларни кўприклар бўйлаб, метро тоннелларида ётқизиш жараёнига қаратилиш лозим. Қурилиш райони билан танишувда иш олиб борувчи ва иш юритувчиларни жойлаштириш учун керак бўладиган участкалар, идоралар, омборхоналар, транспорт сақлаш жойларини танлаш билан бирга ишчи ҳамда инженер-техник ходимларни истиқомат қилиш учун жойлар танланади. Олиб борилган текширув ва танишув ишларидан сўнгра лозим бўлган техник-ташкилий тадбирлар асосида қурилиш қатнашчиларини нормал ҳолатда ишлаши комплекс чоралар аниқланади.

Ўрганиб чиқилган лойиҳа ҳужжатлари ва қуриш районини ўрганиб чиқиш асосида қурилиш ишларини олиб бориш лойиҳаси яратилди. Бу ҳужжат учун бутун қурилиш-монтаж ишлари даврида линия ишчилари учун асосий ва раҳбарий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Қурилиш ишларини олиб бориш лойиҳаси ўз таркибига қуйидагиларни олади:

- ёзма кўринишда тармоқ ёки календар график;
- материал-техника билан таъминлаш режа-графиғи;
- қурилиш учун машина ва механизацияларни лозимлиғи ҳақидаги ва уларнинг қўлланилиш графиғи;
- лозим бўлган ишчи кадрлар ҳақидаги график маълумоти;
- бажариладиган иш сифатини назоратлаш бўйича ечимлар;
- янги усуллар билан бажарилувчи мураккаб ишлар ва бу ишларни бажариш учун технологик карталар;
- техника хавфсизлиғи ва меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда ёнғин хавфсизлиғи бўйича чора тадбирлар режаси;

Бажариладиган ишни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун асосий шартлардан бири материал техник томонидан таъминлаш бўлиб, асосий эътибор қурилиш-монтаж ишларини бажаришда ўз вақтида лозим бўлган

материалларни таъминлашдан иборатдир. Қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун лозим бўлган материаллар ишчи чизмалар ва сметалар бўйича аниқланса, етказиб бериш муддати эса бажариладиган иш ҳажми бўйича, ишлаб чиқариш режаси ва тармоқ графиклари бўйича аниқланади. Бу ҳужжатлар таркибига шунингдек лойиҳада кўрсатилмаган материаллар, мисол учун ёқилғи ва мойловчи материаллар, ўлчов приборлари учун ток манбалари, машина ва механизмлар учун захира –таъмирлаш қисмлар кўрсатилиши керак.

Келтирилган буюртмалар учун материалларни етказиб бериш режалари ва етказиб бериш шартномалари тузилади, таъминот фирмаси ёки компания танланади, фондлар тақсимотлари тадбиқ этилади ва улар ўрнатилган тартибда иш юритувчи участкаларига етказилиб берилади.


Қурилиш ишларини бажаришда ишлаб чиқариш жараёнини ошириш учун кенг равишда механизациядан фойдаланиш имкони бўлиб улардан асосийси ер билан боғлиқ бўлган ишларда механизациялардан кенг равишда фойдаланиш зарур.

Автотранспортга бўладиган талаблар асосан кабел ўралган ғалтакларни элтиш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, ҳамда кабел арматуралари, материаллари, ишчи кучлари ва бошқа элтиб берувчилар билан аниқланади. Бунда асосий эътибор йўллар, жой рельефи ҳамда автотранспортнинг асосий ишчи кўрсаткичлари эътиборга олинади. Манзилгоҳларда автотранспортларнинг тўхташ жойи ва ёқилғи-мойлаш материалларини таъминлаб бериш ҳолатига ва жойларига қаратилади.

Шу вақт мобайнида ўлчов аппаратларини тайёргарлик ҳолати ҳамда ётқизилувчи кабел тури ва алоқа узатиш воситаси танланади.

Кабелли магистрал қурилишида кабелларни, қурилмаларни ва кабел арматураларини жойлаштириш майдончалари танланади. Одатда кабел майдончалари кабел ётқизилувчи трассага яқин бўлган жойлар танланади.

Кабел ўралган ғалтаклар, асбоб-ускуналар ва кабел арматуралари жойлашадиган майдонча шундай бўлиши керакки, унда улар орасидаги масофа бўш бўлиб, улар орасида автотранспорт бемалол юриши мумкин бўлиб ҳамда материалларни ортиб тушириш ишлари осон бўлиши, уларни электр ўлчов ишлари ва тадқиқот олиб бориш ишлари осон бўлиши, кабеллар ичидаги хаво босимини текширишда кабел ғалтакларини бир жойдан иккинчи жойга думалатиш ишларисиз бўлмоғи керак (2.1.-расм.).



2.1-расм. Кабел ғалтакларини кабел майдончасида жойлаштириш схемаси.

Турли русумлардаги кабел ғалтаклари бошқа қаторга жойлаштирилади. Кабел ғалтакларини ортиб-тушириш ишлари ва оғир юкли ускуналар учун кўтаргич кранлар қўллansa, баъзи бир ҳолларда эса эстакадалар ва аппаратлар қўлланади. Кабел ғалтакларини тушириб-ортиш ишлари жараёнида ғалтакларни айлантириб юриш ва уларни ерга итариб тушириш катъиян таъқиқланади.

Кабел ўралган ғалтаклар махсус ускуналаштирилган автомашиналарда ташилади. Кабелларни трассага етказиб бериш тасдиқланган йиғма қайдномалар асосида бажарилади. Кабел ўралган ғалтакларни сони

ётқизилувчи кабеллар учун тайёрланган ишлаб чиқариш графиги бўйича бажарилади.

Кабел майдончасида қурилиш узунлигидаги ҳамма кабеллар текширилиб кириш назоратдан ўтказилади ва гуруҳлаштирилади. Текширув кириш назорати қуйидагилардан ташкил топади:

- кабел ўралган ғалтакни ташқи томонидан кўздан кечириш назоратидан ўтказилади;

- электр тадқиқот ишлари ўтказилади;

- кабел ташқи қобик герметиклиги текширилади.

Кабел майдончасида бажарилган ҳамма тадқиқотлар баённомалар билан хужжатлаштирилади. Кабелларни кабел майдончасидан трассага олиб чиқиб кетгунга қадар битта кучайтиргич участкаси учун кабелнинг конструктив тузилиши бўйича ҳамда қурилиш узунликлар ўлчамлари бўйича, ишчи сиғим қийматининг миқдорлари бўйича, яқин охир томондаги ўзаро ўтиш сўниш қийматлари бўйича, коаксиал жуфтликларнинг тўлқин қаршилиги бўйича гуруҳлантирилса, шаҳар телефон тармоқларида қўлланувчи алоқа кабелларининг гуруҳлантирилиши асосан конструктив маълумотлар ва телефон канализация қудуқлари орасидаги масофага боғлиқлиги ва қурилиш узунлик ўлчамлари бўйича олиб борилади. Бунда бир хил қобикли кабеллар танланади.

Кабелни ёки қувурларни ётқизишдан аввал кабел ётқизилувчи трасса ишчи чизмаларга тўлиқ равишда тўғри келишлик ҳолати бўйича трасса бўлиб чиқилади. Бунда асосий эътибор кесишув жойларига ва бошқа ер ости иншоатлари билан кесишувларига эътибор берилиб, бу кесишувлар иш чизмаларида белгиланади. Ер ости иншоатлари билан кесишув жойларига қозик қоқилиб унга “Эҳтиёт бўлинг юқори вольтли линия кабели” деган ёзувлар бўлиши керак. Агар ер ости иншоати жойлашган жой маълум бўлмайдиган бўлса, у ҳолда ҳар 20 метр масофада ер ости шурфлаш усули ёрдамида ер ости иншоати ўрганиб чиқилади.

Шаҳар ичида ётқизилувчи трассани бўлиб чиқишда асосий эътибор йўл иншоотлар ва рельс йўллари 90° бурчак остида кесиб ўтилиши керак. Шаҳар ичида бажарилувчи ишлар доимо йўл белгилари ва лозим бўлса кесишув жойлар вақтинчалик кўприклар билан жиҳозланиши керак.

2.2. Линия-кабел иншоотларини қурилиш ишларида механизациянинг қўлланилиши.

Линия кабел иншоотларининг қурилиш ишларида машина ва механизмларнинг қўлланилиши ўз навбатида иншоат қурилиш ишларини тезлаштиради ва қурилиш ишларини арзонлаштиради. Қўл куч меҳнати асосан механизацияларни қўллаб бўлмайдиган жойларда қўлланилади. Трассани текислашда ва трассадаги турли хил дарахт илдизларини олиб ташлаш учун Т-100 ёки Т-130 туридаги булдозер тракторлари қўлланади.

Ортиш-тушириш ишларини бажариш учун автомобилга ўрнатилган кўтарма кранлар қўлланади. Кабелларни механизация усули бўйича ётқизишда ЛПК-2, КНВ-1, КНВ-2Г туридаги кабел ётқизгичлардан фойдаланилади. Ғилдиракли тракторлар асосан линия-кабел иншоотларини қурилишда қурилиш материалларини бир жойдан иккинчи жойга элтиш учун транспорт воситаси вазифасини бажаради.

Алоқа кабелларини телефон кабел канализациясига ётқизиш учун ҳамда қудуқ ичидан оқава сувларини тортиб чиқариш ва канализацияни шамоллатиш учун КМ-2А ва МК туридаги кабел машиналари қўлланилади. Бундай кабел машиналари ГАЗ-66 ва ГАЗ-53 автомобилларига ўрнатилган. Ер ости канализацияларини траншеясиз усул ёрдамида темир йўл ва автомобил йўллари кесиб ўтишда ҳамда олдиндан тайёрланган тешикларга қувурларни ётқизиш учун гидравлик пресслар ва ер ости пневмотешгичлардан фойдаланилади.

Алоқа кабел иншоатларини қурилишида ер билан боғлиқ бўлган ишларни бажариш учун бир ковшли экскаваторлар ва траншея қавлагичлар қўлланилади.

2.3. Қурилиш жараёнида бажариладиган электр ўлчов ишлари.

Қурилиш жараёнида кабелли алоқа линияларининг электр ўлчов ишлари кабелни ётқизишга қадар унинг электр параметрларини текшириб назоратдан ўтказиш, кабелнинг электр параметрлари ҳолатини назоратлаш ва уларни ўрнатилган нормаларга келтириш, кабелли линияларнинг электр паспортларини тайёрлаш, шикастланган жойни ва характерини аниқлаш учун, қурилган линия-кабел иншоатларини яратишда уларнинг электр ҳолатини баҳолаш учун бажарилади.

Ўлчов ишлари ўзгармас ва ўзгарувчан ток ёрдамида бажарилади. Биринчи навбатда ўлчов ишлари ўзгармас ток ёрдамида бажарилади, агар ҳамма ўлчанган параметрлар нормада бўлса, у ҳолда ўзгарувчан ток ёрдамида ўлчов ишлари бажарилади. Ўзгармас ток ёрдамида қуйидаги параметрлар ўлчанади:

- симметрик кабелларнинг ток ўтказгич сим занжирининг электр шлейф қаршилиги;
- коаксиал жуфтликларнинг ток ўтказгич симларининг электр қаршилиги;
- ток ўтказгич симлар изоляциясини электр қаршилиги;
- ташқи мухофазаловчи қобик изоляциясини электр қаршилиги;
- симметрик жуфтликлардаги ток ўтказгич симлардаги электр қаршиликлар фарқи;

Ўзгарувчан ток ёрдамида қуйидаги параметрлар ўлчанади:

- сиғимли симметрия ва сиғимли алоқа;

- занжирнинг яқин охир томонидаги ўзаро ўтиш сўниши ва химояланиш параметри;


- ишчи занжирнинг сўниш коэффициенти;
- занжирнинг тавсифловчи параметри;
- занжирнинг ерга нисбатан ассиметрияси;
- тўлқин қаршилигининг бир жинсли бўлмаганлиги.

Изоляциянинг электр қаршилиги ток ўтказгич симларнинг изоляция материалининг ҳолатини назоратлаш ва кабелнинг намликдан химояловчи қобиғини назоратлаш учун ўлчанади. Ўлчов натижаларининг норматив қийматлари 20°C ҳарорат учун олиб борилади, шунинг учун ўлчанган қийматларни шу ҳароратга ўтказиш учун ҳисоблаб аниқлаш керак. Занжирнинг электр шлейф қаршилиги одатда монтаж қилинган кучайтиргич участкаси учун ўлчанади ва 20°C ҳароратда қайта ҳисобланади. Худди шундай усулда жуфтлик ток ўтказгич симларнинг омик ассиметрияси ўлчанади. Ҳамма ўлчанган қийматлар норматив қийматлар билан таққосланади. Ўзгармас токда ўлчанган ҳамма қийматлар ПКП ўлчов асбоби ёрдамида бажарилади. Сиғимли алоқа ва сиғимли ассиметрия қийматларини ўлчаш учун ИЕА ўлчов асбоби ёрдамида бажарилади. Занжирлар орасидаги ўзаро ўтиш сўниш қийматлари ва занжирнинг химояланиш қийматларини ўлчаш учун ВИЗ ўлчов асбоби ёрдамида бажарилади. Коаксиал занжирнинг тўлқин қаршилигини бир жинсли бўлмаслиги УИП-5 ўлчов асбоби ёрдамида бажарилади. Ўлчанган ҳамма қийматлар натижалари баённомага киритилади ва улар асосида кабелли линиянинг электр паспорти тузилади. Қабул қилиш-топшириш жараёнида электр ўлчов ишлари қурилиш ишларини бажарувчи ташкилот вакили ва эксплуатация қилувчи ташкилот вакил билан бажарилади.

3 Қувасой шаҳар телекоммуникация боғламасида линия – кабел хўжалиги воситалари техник паспортизацияни автоматлаштириш

3.1 Кабель каналлизациялари ва зирх билан копланган кабелларни ётказиш ижро кўча чизмаси

Ижро кўча чизмалари деб қурилиш давомидаги узгартиришлар киритилган кўча ишчи чизмаларга айтилади. Ижро кўча чизмалари қурилиш ташкилоти томонидан иншоот фойдаланишга топширилаётган вақтда тақдим этилади. Ижро кўча чизмалари (3.1-расм) 1:500 масштабдаги дастлабки маълумотлар (лойиха) асосида тузилади. Чизмалар каналлизациялар ва зирх билан копланган кабелларни ётказиш вақтида уша жойда аниқлаштирилади.



3.1-расм. Ижро кўча чизмаси

Ижро кўча чизмаларида қуйидагилар курсатилган бўлиши лозим:

- кабель каналлизациялари ёки зирх билан копланган кабеллар трассаси;
- бошка идораларнинг ер ости иншоотлари;
- каналлизацияларнинг кузатув қурилмалари (қудук ва кути);
- кабель каналлизацияларининг хар бир ораликдаги кабеллар сони курсатилган оралик узунлиги;

- кувурутказгич ёки зирх билан копланган Кабелни ётказиш чукурлиги.

Ижро кўча чизмаларига намунали бўлмаган нншоотлар чизмалари, шу билан бирга кузатув курилмалари ён томонида блокни (каналлар) жойлашиш ўлчамлари курсатилган ва бу курилмаларнинг типлари келтирилган кудуклар ва кутиларни ёйилган ҳолати илова қилиниши керак. Ижро кўча чизмаларида кувурўтказгич ва уларнинг темир йул ҳам да трамвай йўлларидадан ўтиш тавсифи берилган бўлиши керак. Ижро кўча чизмаларида кабель канали заииялари ораликлари ўртасидан доимий мўлжалларгача ўлчовлар (тугунлар). ҳамда юкорига кувур юкори текислигидан кўча юзаси сиртигача улчанган канализация ётказиш чукурлиги курсатилади. Бундан ташқари ижро кўча чизмаларида кудук копкаклари марказлари ҳолатини аниқловчи ўлчовлар киритилиши лозим.

Агар трасса бўйича канализациялар ётказилиш чукурлиги ҳар хил бўлса, у ҳолла ётказиш трассаси участкаларга бўлинади ва чизмада ҳар бир ўлчов нуктасидаги ётказиш чукурлиги курсатилади.

Кудуклар (кутилар) ўлчовлари таянч пунктлар - доимий мўлжаллардан 5 стгача аниқликка эга учла чизик билан аниқланади. Зирх билан копланган кабелларни ётказиш вақтида ҳар бир муфта ва кабель бурилиши доимий мўлжалга (шоссе, темир устун ва бошқалар) боғланган бўлиши керак. Қоидага асосан, муфта ва бурилиш бурчаклари иккитадан кам бўлмаган, ҳар бир муфта ва кабель бурилиш бурчагини аниқлаш имконини берувчи тугунга эга бўлиши керак. Бундан ташқари тўғри чизикли тасса участкаларида тугунлар ҳар 50 ш да қилинади.

Очик жойлар ва шаҳар четида темир бетондан ёки истасио ҳолларда ёғочдан ясалган ўлчов курсаткичли устундар уриатилади.

Устундар кабеллардан (муфталар, бурилиш бурчаклари) майдон томонга 0.1 ш масофада уриатилади.

3.2 Кабель канализациясининг паспорти (ТФ-3/1 шакл) (N илова)

Кабель канализациясининг паспорта кабель канализациясини шоотлари фойдаланишга кабул килингандан кейин кўча чизмалари буйича хар бнр кўча (тор кўча)нинг кувури учуй тузилади. Кабель канализациясини ускунасининг барча ўзгартишлари ва кўшимчалари ишлар тугаши буйича паспортга ёзилади.

Паспортни туздирини тартиби куйидаги курсатилади:

Паспортнинг олд томони чап юкори бурчагида телефон тармогининг номи ва паспортлаштирилиши керак бўлган телефон кувурининг кисти курсатилган бирлаштирилган кўча чизмасининг раками курсатилади.

Паспортнинг олд томони ўнг юкори кистида хисобга олинандиган участканинг боши ва охири курсатилган холда (... уйдан ... уйгача ёкн шу кўчадан шу кўчагача). кабель канализациясининг хисоби олиб бориладиган кўча (тор кўча)нинг номи ёзилади.

2- устунда хисобга олинандиган кудук (кутича)дан чиқадиган канализация каналларининг умумий сони ёзилади.


3- устун, агар кўчанинги ушбу йуналишида бир нечта кувурлар блоклари ёткизилган холларда туздирилади. Хар бир блокнинг сизими алохида ёзилади. Масалан. кўчада каналларининг 7, 19 ва 3 сизимли учта блоки ёткизилганда; 3-устун куйидагича ёзилади: 7+19+3.

Кабель канализациясининг схемаси

Линия шоотларини хар кунги жорий техник хисобга олиш учун, шунингдек махаллий телефон тармоклари (туман телекоммуникация узели)даги кабель канализацияларнинг мавжудлиги тугрисида аник тасаввурга ёта булиш учун хар бир шахар (туман) АТС учун ахоли пунктининг планида канализацияларнинг умумий схемаси тузилади (3.2-расм). Канализация схемаси масштабсиз тузилади. лекин ахоли пункта кўча

сеткаси йўналиши, табиий сув йуллари (даре, каналлар) ва темир йул магистралларининг ўзаро жойлашувига мос келиши керак.

Кабель канализациясининг асосий йўналишлари ва унинг тармокланишн. кутилар ҳамда киоскларнинг тасвири РАТС ишлайдиган шаҳар (туман) планига. ушбу кўча бўйлаб келадиган канализация трассасининг сонидан катъи назар, тасдиқланган экспликацияга мувофиқ қора рангли линиядар билан туширилади.



3.2-расм. АТС учун аҳоли пунктининг планида канализацияларнинг умумий схемаси


Канализацияни белгилайдиган линия устига, кўча бошида бнрлаштирилган кўча чизмасининг тармок буйича бириктирилган раками курсатилади.

Схемада кудуклар ва кутичалар раками, канализация блокининг сиғими ва кабель канализациясини шартли тасвирлаш билан ораликлар узунлиги курсатнлади. Коллекторлар ва улаш жойлари каердалиги алохида белгиланади.

Кабель канализациясининг бирлаштирилган кўча чизмалари

Кабель канализациясининг паспорта каби, кабель канализациясининг бнрлаштирилган кўча чизмалари (3.3-расм) хар бир кўча учун тузилади. ижро

хужжатлари (кўча чизмалари) асосида 1:500 масштаб да калька когознга чизилади. Бунда кудуклар ва кутичалар Р иловага асосан уларнинг конфигурациясига мувофиқ туширилади, намунавий бўлмаган кудуклар масштабда курсатилади.



3.3-расм. Кабел канализациясининг бирлаштирилган кўча чизмаси

Бирлаштирилган кўча чизмасини тузиш учун ишчи чизмаларда (курилиш ташкилотларидан олинган) келтирилган кудуклар уртасидаги ораликлар узунлигининг улчашлари текширилади. Узунликларни улчаш люкнинг юкори копкиларининг марказлари ўртасида рулетка оркали амалга оширилади.

Изох - Иккита люкн булган кудуклар учун марказ бўлиб, ушбу лкжларин боғлаб турувчи фараз кнлинган чнзик уртаси олинали.


Улчашлар ва чизмалар уртасидаги маълумотларда фарк булганда тузаташлар, агар фарк 20 см дан ортик булган холатда киритилади.

Ахоли яшайдиган пункт реконструкция килинганлиги сабабли кўчалар кайтадан режалаштирилган ва кудуклар (кутичалар) ҳамда канализация ораликлари ўртасининг жойлашиши ўлчанган чизмаларда таянч пунктлар (мулжаллар)дан улчашлар тикланади. Улчашлар (богламлар)ни

тиклашда кесишишлар 50 ш дан ортик бўлмаслиги керак. Улчашлар сони учтадан кам бўлмаслиги керак. Улчашларнинг четки ўқлари 50⁰ дан кам ва 130⁰ дан куп бўлмаган бурчак остида кесишиши керак.

Биоларни бузишда ва таянч пунктлар бузилишида ишлар бошлангунга қадар кўчанинг карама-карши томонда жойлашган янги таянч пунктлардан канализация ва кудуклар (кутичалар) жойлашуви янгитдан улчанади. Янги ўлчашлар бириктирилган кўча чизмасида белгилаб қўйилади.

Кабель канализациясининг трассаси бўйлаб трубаларни осиб бўйича ишлар амалга оширилганда (3.4-расм) уйлارнинг ташки томонидан ва яқин жойлашган кудуклардан, уларнинг рақами курсатилган холла, трубалар осилган жойларнинг улчашларини курсатиб, инвентарь маълумотнома тузилади. Трубаларни осиб жойи бириктирилган кўча чизмасида трубалар осилган участка бўйлаб иккита параллел линиялар чизиб курсатилган бўлиши керак. Кабелларни осиб узунлиги масштабда курсатилади. Уйлارнинг ташки томонидан охириги осиб нуқталарининг ўлчашлари ҳам курсатилади.



3.4-расм. Трубаларни осиб

Бириктирилган кўча чизмаларининг иккала юқори бурчакларида унта бириктирилган тартиб рақами курсатилади. Ушбу кўчада ер ости кабель

канализацияси ва кабеллар кискартирилганла кўча чизмаси архивга берилади.


Кабелларни районлаштирилган тармок бнр узелининг станцияси билан бошқа станцияга канта улаганда чизма таркибига ушбу станция кнрган узелга берилади. Ушбу кўчанинг иншоотлари утган узелда кўча чизмасига янги ракам берилади.

Берилган тармокнинг иккита узелларига хизмат кўрсатиш чегараси утган кўчанинг кисмида (туташ иншоотлари) кабель канализациясининг кўча чизмалари иккала узелда юритилади.

Каналларнинг хисоби ва кабель канализациясининг йўналишини аниклаш

Каналлар барча холатларда чаплан унга ва пастдан юкорига. 3.5а-расмда курсатилганидек, агар канализациянинг йўналиши бўйича каралса, яъки кудук (кутича, шахта)да канализация йўналиши томонига олд томон билан турганда, хисобланади.

Агар бир йўналишда бнр ёки куп туйнукли бир нечта алохнда трубалардан тузилган бир нечта алохнда кувурлар блоклари ёткизилганда (3.5б ва 3.5с-расмлар). хар бир блокда каналлар алохнда хисоблаб чикилади.



3.5-расм. Канализациядаги каналлар ҳисоби

Канализация куйндагиларда йуналган бўлиб хисобланади:

а) барча тармоқлардаги шахта ва станция кудуклари уртасидаги участкада (3.6а-расм) - шахтадан станция (биринчи линия) кудуғи томонга;

б) кўчалар ва проездлар бўйлаб;

районлаштирилган маҳаллий телефон тармоқлари - ракамлар (уйлар)нинг ортиб бориш томонига (3.6б-расм). яъни канализация йуналиши кўча йуналиши билан мос келади;

амалдаги районлаштирилмаган маҳаллий телефон тармоқлари (бир станцияга эга) - станциядан таксимлаш жавонлар, таксимлаш кутнчаларига ёки кабель кутиларига. Бундай тармоқларни кайта куришда (реконструкция қилишда) канализация йуналиши районлаштирилган маҳаллий телефон тармоқларига ўхшаш тарзда қабул қилинади;

в) канали заииянинг (кўча чегараларида) кичик станциялар, жавонлар, устундар, бинолар ва хоказо чиқиш жойларига - асосий канализациядан санаб утилган объектлар томонига (3.6с-расм);


д) эгалик қилувчи ҳудудда (3.6д-расм) ва мавзелар ичидаги ҳудудларда. шунингдек кетма-кет ракамланмаган уйлар (қурилишлар) бўлган ёки проездларнинг ўзи аниқ номларга эга бўлмаган кўрғазмалар. боғлар. заводлар ва бошқа ҳудудларда.

Кўча бўйлаб параллел ётқизилган турли қувурларин боғлаб турувчи канализациянинг оралиғи тоқ ракамли кўча томоқилан жуфт ракамли томонга йуналган бўлиб хисобланади (3.6е-расм).

Майлонлар ва скверларла канализация йўналиши кўрсатмаларни хисобга олиб, маҳаллий шароитларга боғлиқ ҳолда аниқланали.

Ракамлашга эга бўлмаган ёки тартибсиз ва кетма-кет бўлмаган ракамлашга эга бўлган (тоқ ва жуфт томонга бўлинмаган) шаҳардан ташқари шоссе ва проездлар. уйларла канализация йўналиши шаҳардан. тармоқлашлар учуй эса

- бош магистрал проезд ёки шосседан трасса йўналиши бўйлаб аникланали (3.6f-расм).



3.6-расм. Канализация йўналиши.

3.3. Кудук паспорти (ТФ-3/5а шакл (Q илова))

Паспортлар барча кудук ёки кутичалар учун тузнлади. Канализацияла ўрнатиладиган кудуклар ва кутичалар учун 1-12 каналлар сони билан паспортлар ТФ-3/5в шакл бўйича. канализацияла ўриатилган кудуклар учун 13-24 каналлар сони билан ТФ-3/5в шакл бўйича юритилди. 24 тадан кўп каналлар сони бўлган йирик маҳаллий телефон тармоқларида кудук паспортни нккита бланклардан тузилган (ёпиштирилган) бўлиши мумкин. Кудуклар ёки кутичалар паспортларига барча ўзгартиришлар ва кўшимчалар (янги тортиладиган кабеллар билан каналларни банд қилиш. кабелларни қайта қавшарлаш ва бошқалар) ишлар амалга оширилиши бўйича паспортга ёзилади.

ТФ-3/5а ва ТФ-3/5в шаклларни тўлдиришда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

